

2022 йил 4-октябр

## “Максам-Чирчиқ” АЖда содир бўлган портлаш юзасидан қўшимча маълумот



“Ўзкимёсаноат” АЖ тизимидаги “Махам-Чирчиқ” АЖнинг Аммиак-1 ишлаб чиқариш цехи синтез бўлинмасида бугун содир бўлган портлаш ва ёнғин натижасида корхонанинг бошқа ишлаб чиқариш майдонлари ҳамда аҳоли яшаш пунктларига зарар етмаган. Шу билан бирга атроф муҳитга зарарли газлар тарқалмаган. Бу бўйича барча хавфсизлик чоралари ўз вақтида қўрилган. Ёнғинни бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда. Корхонанинг барча бошқа цехлари узлуксиз белгиланган тартибда иш фаолиятини давом эттирмоқда.



Воқеа жойига зудлик билан етиб борган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари – Энергетика вазири Ж. Мирзамахмудов бошчилигидаги комиссия аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири генерал-майор А. Қўлдошев, “Ўзкимёсаноат” АЖ раҳбарияти ва мутахассислари, ИИБ ва бошқа тегишли мутасаддилар томонидан ҳодиса

сабаблари ва оқибатлари тўлиқ ўрганилмоқда.





  [uzkimyosanoat](#)

  [uzkimyosanoat.uz](#)

 (+99878) 140-74-26

Uzkimyosanoat - A.J.  
MATERIAL XIZMATI



uzkimyosanoat



uzkimyosanoat.uz



(+99878) 140-74-26

**“Ўзкимёсаноат” АЖ Матбуот хизмати**

**source:**

*"Ўзкимёсаноат" акциядорлик жамияти*

<https://new.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/maxsam-chirchiq-rasmiy-bayonot-qushimcha-malumat>